

Зайниддинов Ф.Ш. – ТМИ, ўқитувчи

ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Мақолада ижтимоий соҳада мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ўрни ва аҳамияти тадқиқ этилган, шунингдек, ижтимоий соҳани ривожлантириш, ижтимоий кафолатлар, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоялашда маҳалланинг ўрни кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: ижтимоий соҳа, бюджет, ижтимоий сиёсат, ижтимоий суғурта, бандлик, ижтимоий муҳофаза, ижтимоий нафақалар

В статье исследованы место и значение реформ, проводимых в социальной сфере нашей страны, а также рассмотрены вопросы развития социальной сферы, обеспечения социальных гарантий и занятости населения, роль и значение махали в обеспечении адресности социальной защиты населения.

Ключевые слова: социальная сфера, бюджет, социальная политика, социальное страхование, занятость, социальная защита, социальные пособия

In the article the place and importance of reforms in the social sphere in our country, as well as questions of social development, ensuring social guarantees and employment, the role and importance waving in providing targeted social protection of the population.

Keywords: social services, budget, social policy, social security, employment, social protection, social benefits

Бизга маълумки, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган ва мустақиллик йилларида муваффақиятли амалга ошириб келинаётган бозор иқтисодиётига ўтишни бешта асосий тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсатни олиб боришдир. Бу йиллар давомида кучли ижтимоий сиёсатнинг олиб борилиши, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, аҳоли муҳтож қатламлари ижтимоий ҳимоясининг манзилли бўлишини таъминлаш механизмларининг такомиллашуви, давлат ижтимоий кафолатларининг маълум даражада таъминланиши, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларининг қабул қилиниши ва муваффақиятли амалга ошириб келиниши натижасида жамиятда ижтимоий барқарорлик қарор топди, фуқароларнинг даромадлар бўйича кескин табақалашувининг олдини олишга эришилди. Бир сўз билан айтганда, “Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш бозор иқтисодиёти тамойилларига риоя қилинган ҳолда сокин ва ижтимоий ларзаларсиз амалга оширилаётганлиги аҳамиятга моликдир”. [1]

Ўзбекистон Республикасида 1997 йилнинг “Инсон манфаатлари йили”, 1998 йилнинг “Оила йили”, 2000 йилнинг “Соғлом авлод йили”, 2001 йилнинг “Оналар ва болалар йили”, 2007 йилнинг “Ижтимоий ҳимоя йили”, 2012 йилнинг

“Мустақкам оила йили”, 2013 йилнинг “Обод турмуш йили” 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” шунингдек 2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши ҳам жамиятнинг ҳимояга муҳтож қатламини маънавий ҳамда моддий жиҳатдан қўллаб қувватлашнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, давлатнинг келажак ворисларига нисбатан ғамхўрлигининг яна бир далилидир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ижтимоий институт сифатида тобора ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” асарида, “Ижтимоий ҳимоя аниқ мақсадли ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб оладиган бўлиши керак. Ижтимоий ҳимоя тизимининг энг муҳим хусусияти аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалаштирилган тарзда ёндошувдан иборат бўлмоғи лозим. Бу иш ҳақиқатдан ҳам давлатнинг моддий ёрдамига муҳтож бўлган жамият аъзоларига йўналтирилган бўлиши, аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши керак” деган эди.

Айниқса, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ислохотларни «ижтимоий ларзаларсиз» яқунлаш бевосита ижтимоий соҳага жиддий ёндашишни талаб этди. Чунки, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти бозор механизмининг самарали ишлашини, аҳоли турмуш даражасининг юқори бўлишини ва кучли ижтимоий кафолатларни назарда тутди.

Бутун ислохотлар жараёнида республикада аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва уни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонунчилик, ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш масалаларига жуда катта аҳамият берилди. Жамият ҳар бир аъзосининг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бозор иқтисодиётини ривожлантириш молия, бюджет сиёсатининг ўзагини ташкил этади. Чунки, ҳар бир инсоннинг ёки бирор ижтимоий гуруҳнинг, қолаверса, миллатнинг ижтимоий манфаатлари доимо унинг ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи жамият тизимининг муносабатларида ва Давлат бюджети харажатларида намоён бўлади.


Республикада молия тизимида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ижтимоий соҳа харажатларини шакллантиришда ва харажатларни молиялаштиришда янги шакл ва усуллардан самарали фойдаланиш, бюджетдаги тақчилликни ўсишига таъсир кўрсатувчи омилларни олдини олиш, иш ҳақи ва нафақаларни ўз вақтида тўлашни таъминлаш, шунингдек, бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнида бюджет интизомига риоя этиш масалалари туради.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари шароитининг ижтимоий-иқтисодий таҳдидларини олдини олиш мақсадида стратегик тараққиёт дастури ҳамда иқтисодий ислохотларнинг устувор мақсадларидан келиб чиқиб, авваламбор, аҳолининг кам таъминланган, иқтисодий ночор қисмини кучли ижтимоий муҳофазалаш вазифаси илгари сурилди.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида кечаётган ислохотларнинг кучли ижтимоий йўналтирилгани натижаси ўлароқ, мамлакатимизда ҳар йили ўрта ҳисобда бир миллионга яқин янги иш ўрни яратилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун 100 мингта иш ўрни захираси шакллантирилмоқда. Меҳнатга лаёқати бўлмаган фуқаролар ижтимоий муҳофазага олиниб, 20 мингга яқин фуқаро 50 дан ортиқ касбга қайта ўқитилмоқда, бир миллион нафардан зиёд фуқарога ижтимоий нафақалар тайинланмоқда. Саховат ва Мурувват уйларидаги ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар тўлиқ давлат таъминотига олиниб, уларга тиббий, ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатилмоқда. Реабилитация марказларида ҳар йили 17,5 мингдан зиёд ногироннинг саломатлиги яхшиланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги тасарруфидаги 8 та уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийларида ўрта ҳисобда бир йилда 30 мингга яқин пенсионер ва ногирон бепул соғломлаштирилмоқда.[2] Ушбу рақамлар мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилангани ҳамда давлатимизнинг иқтисодий қудрати тобора юксалиб, аҳоли турмуши фаровонлигининг муттасил таъминланаётганини англатади.


Давлат Бюджети харажатлари аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда янада ижобий ўзгаришларни таъминлашга, Бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар миқдорини изчил ошириб бориш каби ижтимоий соҳадаги тадбирларни молиялаштириш билан бирга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатни барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга оширишга йўналтирилмоқда.

Шу жумладан, 2012-2015-йилларда Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий маданий соҳа харажатларининг салмоғини кўрадиган бўлсак у қуйидаги манзарани касб этади. 1-расмга қаранг:



1-расм. Ижтимоий таъминот тизими харажатларининг давлат бюджети харажатларда тутган улуши [3]

1-расмдан шу нарса намоён бўляптики, бюджет харажатларига нисбатан 43 % ни ва ижтимоий-маданий соҳа харажатларига нисбатан 75 % ни ташкил этган. 2013-йилда эса бу кўрсаткич бюджет харажатларига нисбатан 40 % ни ва ижтимоий-маданий соҳасига нисбатан 68 % ни ташкил этган. 2015-йилга келиб бюджет харажатларига нисбатан 30 % ни ҳамда ижтимоий-маданий соҳага нисбатан 70 %ни ташкил этган. Бу эса жамиятда ижтимоий барқарорликнинг халқаро мезон кўрсаткичлардан кўра, кўпроқ қилиб белгиланганлиги сабаб, ислохотларнинг самарали натижаларига эришишда давлат бюджети харажатларининг ҳиссаси юқори бўлмоқда. Давлат бюджетининг жами харажатлари ўсишига нисбатан бу харажат турларининг кўпроқ нисбатда ўсиши аҳолининг ижтимоий-маданий ҳаётини яхшилаш бўйича давлат харажатлари ўрнини ортиб бораётганлиги изоҳлайди.



2-расм. Давлат бюджетидан ижтимоий-маданий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ажратилган харажатлар (млрд.сўм) [4]

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини давр талабларига жавоб беришини таъминлаш учун Давлат бюджетидан ҳар йили ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада кўпроқ маблағ ажратилиб келинмоқда, бу эса яна бир бор иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджетнинг ижтимоий йўналтирилганлигини ҳамда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинаётганлигини кўрсатади.

Ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг татбиқ этилиши “ўзбек модели” тамойилларига мувофиқ 2016 йилги Давлат бюджети олдинги йиллар бюджетлари сингари асосий устувор йўналишларидан бири сифатида ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни давом эттиришга қаратилган.

Ижтимоий инфратузилма субъектларининг солиқ юкини қисқартириш, ижтимоий соҳадаги муносабатлар маъмурий тартибга солинишининг содалаштирилиши, ижтимоий хизматлардан, шу жумладан, таълим хизматларидан фойдаланиш шароитлари ёмонлашишга йўл қўйилмаслиги

бюджет сиёсати ижтимоий йўналтирилганлигининг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ва инфляция даражаси шунингдек, Ўзбекистоннинг ўзига хос демографик хусусиятлари бандлик, аҳоли даромадларини кўпайтириш билан боғлиқ ислохотларни кишиларнинг ижтимоий аҳволига таъсири эътиборга олиниб, ҳукумат қонунчилик ҳужжатлари ва Президент Фармонлари асосида моддий кўмак пули миқдори ошириб борилмоқда. Кейинги йилларда ҳам худди шундай чора-тадбирлар амалга оширилиб, жумладан, давлат бюджетидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлар 2015 йилда 60 % га ўсди. Бюджетдан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун ажратилаётган маблағлар 1,5 баравар оширилиб, қўшимча равишда яна 10 млрд. сўм жалб қилинди. Кам таъминланган, ёш болали оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар учун мўлжалланган харажатлар миқдори эса бюджетнинг асосини ташкил этди. Бунинг ҳисобидан йил давомида яна 100 минг кам таъминланган оила ойлик моддий ёрдам олиш имконига эга бўлди. [5]

Ҳозирда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳага инвестицияларни жалб этиш самарадорлиги ошириш ва инвестицияларнинг жозибadorлигини ошириш ҳам зарур масалалардан бўлиб ҳисобланади. Корхоналарни техник ва технологик янгилаш, модернизация қилиш ва янги ишлаб чиқариш объектларини қуриш, шу орқали янги иш ўринларини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун инвестициялар зарурдир. Ижтимоий соҳа тармоқларига инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини ошириш учун аввало молиявий муассасалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватланиш чора-тадбирларидан ўз вақтида фойдаланиш асосий мақсад ҳисобланади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини кучайтириш, жумладан, маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш зарурлиги ҳисобга олган ҳолда ижтимоий ҳимоялашни тартибга солишда маҳалла фаолиятдан унумли фойдаланиш ўз натижасини кўрсатиб келмоқда. Бунинг қулайлиги шундаки, маҳаллада анъанавий тарзда шаклланган жамоатчилик фикрига таяниб иш юритиш тажрибаси турли суистеъмолликлар, таниш-билишчилик, исрофгарчилик каби иллатларнинг бартараф этилишига хизмат қилди. Жумладан, бозор муносабатларига ўтиш даври шароитида ўта муҳим бўлган давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг тегишли қатламларга ўз вақтида, аниқ етиб бориши таъминланди. Маҳалла тизимнинг амалдаги фаолиятини социологик тадқиқ ва таҳлил этиш, мамлакатимизда ижтимоий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида собиқ иттифоқ давлати ўрнида пайдо бўлган республикаларда катта қизиқиш уйғотаётганлигини ва ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос ечимига эга

бўлган «ўзбек модели» сифатида талқин этилаётганлигини кўрсатди. Юртимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш истиқболлари жорий этилган ижтимоий ҳимоянинг маҳалла тизими фаолиятини такомиллаштириш ва рағбатлантириш давр талабига мос вазифалардан бири эканлигини қайд этиб ўтсак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш истиқболлари демократик жараёнларга хос ва «кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси тамойилларига мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида бошқарувнинг амалдаги ташкилий-иқтисодий механизмини янада янги таркибий унсурлар билан биргаликда шакллантиришда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибаларни рад этмаган ҳолда, ривожланган мамлакатлар тараққиёти жараёнида тўплаган ва республикамиз шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан самарали фойдаланиш;

- ижтимоий соҳани ривожлантириш истиқболлари муҳтож оилаларга давлат мададини етказиб қолмасдан, бундай оилаларни кам таъминланганлик даражасидан чиқишга кўмаклашиш;

- иқтисодий ислохотларининг стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, давлатнинг ижтимоий муҳофазага ажратаётган улушидан ўз вақтида унумли ва оқилона фойдаланиш, муҳтож оилаларни моддий ёрдамга даъвогарлик қилиш жараёнида маъмурий-буйруқбозлик тизимидан ҳоли этилган ва соддалаштирилган ҳолатда аҳолининг ижтимоий институтларга бўлган ишончини оширишдан иборат бўлиши шарт.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ф.Муллажонов. Ўзбекистон банк тизими барқарор ривожланиш йўлида. Бозор, пул, кредит. 01 (140) 2009. 6-бет
2. <http://uzesonomy.uz> интернет сайти
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011-йил 30-декабрдаги №1675 сонли, 2012-йил 25-декабрь №1887-сонли, 2013-йил 25-декабрдаги № 2099-сонли 2014-йил 4-декабрдаги № 2270-сонли қарорлари асосида муаллиф томонидан тузилган
4. Ҳайдаров Н. Давлат молиясининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ўрни. // Молия. – Тошкент. 2015.- № 1.– Б. 5-14. Жадвал маълумоти асосида тайёрланди
5. Маҳалла: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. 2.Т. – Тошкент: Маҳалла хайрия жамғармаси, 2007. Т.1. – Б. 207-208.